

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 18 » февраль 2020 у.

№ 93

Toshkent sh.

**Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг  
қимматбаҳо навларини сақлашга доир қўшимча  
чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф мухитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон Фармонининг ижросини таъминлаш, давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталардан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф мухитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон Фармони билан давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига 2019 йил 1 ноябрдан 2020 йил 31 декабргача мораторий жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Фанлар академияси ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда ишлаб чиқилган давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Белгилансинки, мораторий жорий этилган давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини кесиш бўйича:

давлат хизматлари марказлари ва Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали аризаларни қабул қилишга;

худудий экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш органлари томонидан дарахтлар ва буталарни кесиш учун хуносалар беришга;

туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан дарахтлар ва буталарни кесиш учун руҳсатномалар расмийлаштирилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари ушбу банд талабларини бажариш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрсин.

4. Белгилансинки:

давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда қимматбаҳо навлардан ташқари дараҳтлар ва буталар навларини ҳамда табиий омиллар ёки зааркунандалар, ўсимликлар касалликлари таъсирида заарланган, қуриб бораётган ёки қуриб қолган, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига хавф туғдиручи дараҳтлар ва буталарни санитар кесиш ва қирқишига рухсатнома бериш Вазирлар Маҳкамасининг “Табиатдан фойдаланиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 31 марта 255-сон ва “Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дараҳтлар ва буталардан фойдаланишни тартибга солиш ва улардан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги 43-сон қарорлари асосида амалга оширилади;

“Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” давлат дастурлари лойиҳалари асосида худудларни ободонлаштириш ишларида табиий омиллар ёки ўсимликлар зааркунандалари, касалликлари таъсирида шикастланган, қуриётган ёки қуриб қолган, шунингдек, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига хавф solaётган дараҳтларни кесиш ва қирқиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга риоя қилинган ҳолда фақат туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари томонидан амалга оширилади;

объектларни қуриш ва қуришни лойиҳалаштириш учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш босқичида расмийлаштириладиган ҳужжатларда, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларида, шунингдек, электрон онлайн-аукцион натижалари баённомаларида ер участкасида ўсаётган дараҳтлар сони, уларнинг аниқ координаталари, навлари, диаметри, баландлиги кўрсатилиши шарт, шунингдек, уларни сақлаб қолиш ва муҳофаза қилиш чоралари ва талаблари белгиланиши керак;

лоиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишида қурилиш майдонида ўсаётган дараҳтлар ва буталар қимматбаҳо навлари тўлиқ сақлаб қолиниши ёки кўчириб ўтказилиши таъминланиши шарт, дараҳтлар ва буталар бошқа навларининг камида 50 фоизи сақлаб қолиниши ёки кўчириб ўтказилиши ёхуд уларнинг ўрнига ўнтадан кам бўлмаган дараҳтлар компенсация сифатида экиб берилиши керак;

2020 йил 1 марта бошлаб қурилиш, қайта таъмирлаш, қайта тиклаш, капитал таъмирлаш, қурилиш объектларини ободонлаштириш, бузиш бўйича

лойиҳа хужжатларида, шунингдек, қурилиш обьектларини фойдаланишга қабул қилишда мажбурий тартибда ўсимлик дунёси обьектларига ва уларнинг ўсиш муҳитига салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олишни таъминлайдиган, уларни бундай таъсирдан ҳимоя қиладиган чоралар, компенсация тадбирлари ҳамда ушбу соҳадаги қоида ва меъёрлар асосида кўкаламзорлаштириш чоралари назарда тутилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

обьектларни қуриш ва қуришни лойиҳалаштириш учун ер майдонларини танлаш ва ажратишда ушбу ер майдонларида жойлашган дараҳт ва буталарни сақлаб қолиш учун зарур чораларни кўрсинглар;

ободонлаштириш бошқармаларини дараҳт ва буталарни парвариш қилиш соҳасидаги мутахассислар, шунингдек, зарур бўлган техник воситалар билан таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда 2020 йил 1 мартаң қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, қурилиш обьектларини ободонлаштириш, бузиш, қурилиш обьектларини фойдаланишга қабул қилиш пайтида лойиҳалаш хужжатларига қуидаги мажбурий талабларни киритсин:

ўсимлик дунёси обьектларига, уларнинг ўсиш муҳитига салбий таъсирнинг олдини олиш, шунингдек, уларни бундай таъсирдан ҳимоя қилишни таъминлайдиган чоралар;

қонун хужжатларига мувофиқ компенсация чоралари;

кўкаламзорлаштириш ишларини лойиҳалаштириш қоидаларига ҳамда шу соҳадаги меъёрларга мувофиқ амалга ошириш.

7. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан обьектларни қуриш ва қуришни лойиҳалаштириш учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш босқичида, шунингдек, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини (электр, газ ва сув таъминоти, канализация, темир йўл ҳамда автомобиль йўллари ва бошқалар) барпо этишда, шу жумладан, дараҳтлар ва буталарни кўчириб ўтказиш амалиётини қўллаш орқали уларнинг сақлаб қолиниши қатъий таъминланиши устидан назоратни кучайтиrsин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги икки ой муддатда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўп йиллик дараҳтзорларга эгалик хуқуқини аниқлаш тартибини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Махкамасига таклиф киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фанлар академияси, Тошкент давлат аграр университети билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар Тошкент давлат аграр университети базасида ободонлаштириш бошқармалари ва бошқа тегишли ташкилотлар учун дараҳтларни парвариш қилиш бўйича мутахассислар (арбористлар) тайёрлаш бўйича ўкув курсларини ташкил этиш бўйича таклиф киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фанлар академияси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда иқлим ва бошқа шароитлардан келиб чиқиб, ахоли пунктларида экишга тавсия этиладиган манзарали дараҳт навлари рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда уни заруратга қараб янгиланиб борилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дараҳт ва буталарни парвариш қилиш, буташ, кесиш ва улардан фойдаланишнинг амалдаги тартибини қайта кўриб чиқсан ҳолда, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

давлат ўрмон фондидан ташқари ерларда дараҳт ва буталарни кесиш, уларни бошқа ерга кўчириб ўтказиш тартиби ҳамда компенсация тадбирларини амалга ошириш шартлари бузилганлиги, давлат ўрмон фондидан ташқари ерларда ноқонуний дараҳт ва буталар ноқонуний кесилганлиги, шунингдек, ноқонуний кесилган дараҳтлар ва буталар ташилиши ва қабул қилиниши учун, жумладан, бундай ҳаракатларни содир этганлик учун жиноий жавобгарликгача жавобгарликни кучайтириш бўйича таклиф киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Кўчқоров, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазари



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “18” февралдаги93-сон қарорига  
илова

**Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дараҳтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг  
РЎЙХАТИ**

T/п	Турнинг илмий номи	Хусусияти
<b>I. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган қимматбаҳо (ёғочбоп) навли дараҳтлар</b>		
1	Грек ёнгоги ( <i>Juglans regia L.</i> )	Ёғочи қимматбаҳо
2	Силлиқ қайрагоч ( <i>Ulmus laevis Pall.</i> )	Ёғочи қимматбаҳо, чиримайди, манзарали ва шарсимон кўринишга эга
3	Ялонгоч қайрагоч ( <i>Ulmus glabra Huds.</i> )	Ёғочи қимматбаҳо, чиримайди, манзарали ва шарсимон кўринишга эга
4	Пастбўйли қайрагоч, қайрагоч ( <i>Ulmus pumila L.</i> )	Ёғочи қимматбаҳо, чиримайди, манзарали ва шарсимон кўринишга эга
5	Кавказ катронғиси, туғдана ( <i>Celtis caucasica Willd.</i> )	Ёғочи жуда қаттиқ ва зич, чиримайди, қимматбаҳо ҳисобланади
6	Тукли заранг ( <i>Acer pubescens Franch.</i> )	Ёғочи жуда қаттиқ ва зич, қимматбаҳо қурилиш материали ҳисобланади
7	Секвоя ( <i>Sequoia sempervirens Emdl.</i> )	Ёғочи қимматбаҳо қурилиш материали ҳисобланади
8	Оддий эман ( <i>Quercus robur L.</i> )	Ёғочи қимматбаҳо
9	Чинорсимон заранг ( <i>Acer platonoides L.</i> )	Ёғочи қимматбаҳо, танаси узун
10	Ок акация ( <i>Robinia pseudoacacia</i> )	Ёғочи қимматбаҳо, чиримайди манзарали ва шарсимон кўринишга эга
11	Глидичия ( <i>Gleditsia triacanthos</i> )	Ёғочи қимматбаҳо, танаси узун ва текис, чиримайди
12	Гинкго билоба ( <i>Ginkgo biloba</i> )	Ёғочи қимматбаҳо, танаси узун ва текис
13	Шумтол ( <i>Fraxinus raibocarpa Regel.</i> )	Ёғочи зич ва қимматбаҳо, танаси узун ва текис
14	Сурия қоращумтоли ( <i>Fraxinus syriaca Boiss.</i> )	Ёғочи зич ва қимматбаҳо, танаси узун ва текис
15	Оддий қарағай ( <i>Pinus sylvestris</i> )	Ёғочи қизғиши, қурилишда кенг фойдаланилади, қимматбаҳо, танаси узун ва текис
16	Фарб туяси ( <i>Thuja occidentalis L.</i> )	Ёғочи қимматбаҳо, танаси қизғиши, буюмлар ясашда кенг фойдаланилади
17	Мелия азедарах ( <i>Melia azedarach</i> )	Ёғочи зич ва қимматбаҳо, танаси узун ва текис
18	Павлония ( <i>Paulownia tomentosa</i> )	Ёғочи тез ўсуви ва қимматбаҳо, танаси узун ва текис
19	Кўкбаргли терак, турандил ( <i>Populus pruinosa Schrenk</i> )	Қурилишда кенг фойдаланилади, ариқ ва зовур атрофларида экилиб, ер ости сизот сувларининг сатхини пасайтиради
20	Ок тут ( <i>Morus alba L.</i> )	Ёғочи жуда қаттиқ, мусиқа асбоблари ва бошқа буюмларни тайёрлашда кенг фойдаланилади
21	Фарб чинори ( <i>Platanus occidentalis L.</i> )	Мусиқа асбоблари, мебель ва бошқа буюмларни тайёрлашда кенг фойдаланилади
22	Зарангбаргли чинор ( <i>Platanus acerifolia Willd</i> )	Қурилиш материаллари, мебель ва бошқа буюмларни тайёрлашда кенг фойдаланилади

II. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган қимматбаҳо (манзарали) навли дараҳтлар		
23	Туркистон арчаси, ўрикарча ( <i>Juniperus turkestanica</i> Kom.)	Манзарали хусусиятга эга, маданийлаштириб бўлмайди.
24	Яримшарсимон арча, сауарарча ( <i>Juniperus semiglobosa</i> Regel)	Доим яшил, манзарали, ўзидан хушбўй ҳид чиқаради
25	Зарафшон арчаси, қизиларча, қора арча ( <i>Juniperus seravschanica</i> Kom.)	Доим яшил, манзарали, тоғли худудларда тарқалган
26	Соқолчали қайин ( <i>Betula pendula</i> Roth)	Тана ва шоҳлари жуда чиройли, танасининг ранги оқ ва қора аралаш
27	Тяньшан қайини ( <i>Betula tianschanica</i> Rupr.)	Манзарали, танасининг ранги оқ ва кора аралаш
28	Капю толи ( <i>Salix capusii</i> Franch.)	Манзарали, тана ва шоҳлари ўзига хос чиройли
29	Андросов қайрагочи, садақайрагоч ( <i>Ulmus androssowii</i> Litv.)	Шарсимон шаклга эга, манзарали
30	Қора тут, шотут ( <i>Morus nigra</i> L.)	Манзарали, чиройли
31	Семенов заранги ( <i>Acer semenovii</i> Regel & Herder)	Фақат тоғли худудларда ўсади ва ёғочи жуда қаттиқ ва чиройли кўринишга эга
32	Канада аргувони ( <i>Cercis canadensis</i> L.)	Вегетация даврида жуда чиройли гуллайди
33	Ленкаран акацияси ( <i>Albizia julibrissin</i> )	Вегетация даврида жуда чиройли гуллайди, манзарали
34	Юраксимон жука ( <i>Tilia cordata</i> Mill.)	Манзарали, чиройли гуллайди ва ўзидан хушбўй ҳид чиқаради. Кўп миқдорда нектар сақловчи
35	Терисимон Скумпия ( <i>Cotinus coggygria</i> Scop.)	Мевалари чиройли, манзарали дараҳт
36	Супирги кёльрейтерия ( <i>Koelreuteria paniculata</i> Laxm.)	Гуллари сариқ рангда, гуллайди, ўзига хос чиройли
37	Сохта каштан ( <i>Aesculus hippocastanum</i> L.)	Манзарали ва чиройли гуллайди
38	Бруссонетия ( <i>Broussonetia papyrifera</i> )	Мевалари чиройли манзарали дараҳт
39	Туркистон заранги ( <i>Acer turkestanicum</i> Pax)	Манзарали дараҳт, Самарқанд вилоятининг жанубий худудларида тарқалган
40	Қорақарагай ( <i>Pinus nigra</i> )	Мевалари чиройли манзарали дараҳт
41	Элдор қарагайи ( <i>Pinus eldarica</i> )	Жуда чиройли манзарали дараҳт
42	Крим қарагайи ( <i>Pinus nigra pallasiana</i> )	Жуда чиройли манзарали дараҳт
43	Тикони кўқ қарагай ( <i>Picea pungens</i> Engelm)	Қимматбаҳо манзарали дараҳт
44	Шренк қарагайи ( <i>Picea schrenkiana</i> Fisch. & C.A. Mey.)	Манзарали дараҳт
45	Кедр, гималай кедри ( <i>Thuja plicata</i> D.Don.)	Камёб, чиройли ва манзарали
46	Казак арчаси ( <i>Juniperus sabina</i> L.)	Камёб, чиройли ва манзарали
47	Доимий яшил кипарис ( <i>Cupressus sempervirens</i> L.)	Жуда чиройли ва манзарали
48	Глиптостробуссимон Метасеквойя, Хитой Метасеквояси ( <i>Metasequoia glyptostroboides</i> Hu et Cheng)	Ўзига хос манзарага эга чиройли дараҳт
49	Лола дараҳти ( <i>Liriodendron tulipifera</i> L.)	Реликт ўсимлик, манзарали
55	Йирик гулли магнолия ( <i>Magnolia grandiflora</i> L.)	Қимматбаҳо манзарали дараҳт
51	Магнолия ( <i>Magnolia</i> L.)	Қимматбаҳо манзарали дараҳт
52	Тўқ сариқ маклюра ( <i>Maclura pomifera</i> )	Улкан чиройли дараҳт
53	Чўзиқбаргли тол ( <i>Salix linearifolia</i> E. Wolf)	Чиройли дараҳт
54	Мажнунтол ( <i>Babytonica</i> L.)	Серсоя, чиройли дараҳт

55	Ошловчи тотум ( <i>Rhus coriaria</i> L.)	Манзарали дараҳт
56	Узунбарг жийда ( <i>Elaeagnus angustifolia</i> L.)	Манзарали дараҳт
57	Шарқ жийдаси ( <i>Elaeagnus orientalis</i> L.)	Манзарали дараҳт
58	Гўзал каталпа ( <i>Catalpa bignonioides</i> walter)	Манзарали дараҳт
59	Сиверс олмаси, ёввойи олма ( <i>Malus sieversii</i> M. Roem)	Камёб манзарали дараҳт
60	Форс қизилчетани ( <i>Sorbus persica</i> Hedl.)	Манзарали дараҳт
61	Тяньшан қизилчетани ( <i>Sorbus tianschanica</i> Rupr.)	Манзарали дараҳт
62	Туркистон четани ( <i>Sorbus turkestanica</i> (Franch.) Hedl.)	Манзарали дараҳт
63	Туркистон дўланаси, қизил дўлана ( <i>Crataegus turkestanica</i> Pojark.)	Манзарали дараҳт
64	Бухоро бодоми, ёввойи бодом ( <i>Amygdalus bucharica</i> Korsh.)	Манзарали дараҳт

**III. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган (Ўзбекистон Қизил китобига киритилган) қимматбаҳо навли дараҳтлар**

65	Шарқ чинори, чинор ( <i>Platanus orientalis</i> L.)	Ёввойи ҳолда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг тогли жойларида ўсади
66	Ўрта Осиё ноки, нашвати ( <i>Pyrus asiae-mediae</i> Popov)	Фақат Тошкент вилояти, Пском дарёси бўйи Испай қишлоғида ўсади

**IV. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган қимматбаҳо навли буталар**

67	Форзиция ( <i>Forsythia</i> )	Манзарали, чиройли гуллайди
68	Ҳинд сирени ( <i>Lagerstroemia indica</i> L.)	Хушбўй ҳидли, манзарали гуллайди
69	Япон толи ( <i>Chaenomeles japonica</i> )	Манзарали, чиройли гуллайди
70	Пирақанта ( <i>Pyracantha</i> L.)	Манзарали, чиройли гуллайди
71	Спирея ( <i>Spiraea</i> )	Манзарали, чиройли гуллайди
72	Гибискус ( <i>Hibiscus</i> L.)	Манзарали, чиройли гуллайди
73	Бересклет ( <i>Euonymus</i> )	Манзарали, чиройли.
74	Самшит ( <i>Buxus</i> L.)	Манзарали, зич, ўзига хос чиройли
75	Магония ( <i>Mahonia aquifolium</i> )	Манзарали, чиройли камёб
76	Қорақад Барбарис ( <i>Bérberis</i> L.)	Манзарали, чиройли гуллайди
77	Сирень ( <i>Syringa vulgaris</i> )	Манзарали, чиройли гуллайди
78	Жасмин ( <i>Jasminum officinale</i> )	Манзарали, чиройли гуллайди

